# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 53 (8.943) * 1997 йил 12 май, душанба * Сотувда эркин нархда


# ПРЕЗИДЕНТНИНГ СУРХОНДАРЁДА БЎЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 10 май куни Сурхондарё вилоятида бўлди.***

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида ғўзани плёнка остида ўстирилишини кўздан кечириб, андижонликларнинг илғор усулини янада такомиллаштириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди.

Ислом Каримов дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасида ҳам бўлди. Бу ерда 20 хилдан ортиқ дори-дармонлар тайёрланмоқда. Лекин уларнинг хом ашёси чет эллардан келтирилади. Президент дори-дармонлар ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди.

Шундан сўнг юртбошимиз Термиз тумани «Янгиариқ» жамоа хўжалигидаги ғаллачилик ижара бригадаси аъзолари билан суҳбатлашди. Ислом Каримов барча экинлар ҳосилдорлигини ўстириш учун сахий заминимиз унумдорлигини ошириш муҳимлигини уқтирди.

Президент чегара қўшинлари заставасида бўлиб, чегарачилар яшаш шароитлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари бу ерда аввал бўлган вақтдан ўтган қисқа вақт ичида ҳарбий хизматчилар яшаш шароитларини тубдан яхшилаш учун кўп нарса қилинган. Давлатимиз раҳбари шу ерда божхона хизмати ходимлари билан суҳбатлашар экан, улар эътиборини юртимизга қўшни мамлакатлардан гиёҳвандлик моддалари ва қурол-яроғ олиб киришга ҳар қандай уринишларга барҳам бериш зарурлигига қаратди.

Президентнинг Сурхондарёга сафари давомида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, вилоят ҳокими Жўра Нопалиев ҳамроҳлик қилдилар.

Ўша куниёқ Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Президентни пойтахт аэропортида Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба кунини нишонлаш юзасидан ва уруш қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон урушининг ногиронлари ва қатнашчиларига энг оз меҳнат пенсияси миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мазкур мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1997 йил 8 май.

*Саноат*

## БОЗОРИ ЧАҚҚОН

«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти қошидаги тикувчилик фабрикаси ўтган йили ишга туширилган эди. Шу қисқа муддат ичида корхона қаддини тиклабгина қолмай, катта технологик жараёнларни ҳам амалга оширди.

— Фабрикада бугунги кунда 90 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, — дейди ишлаб чиқариш бошлиғи Носир Абдуллаев. — Уларнинг барчаси ўз ишининг фидойилари. Жамоа қатъий шартнома асосида меҳнат қилиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

Фабрика цехларини айландик. Тикув бўлинмасида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг қўли бир зум ишдан тинмайди. Уларнинг тикув машиналаридан тайёр ҳолда чиқаётган чойшаб, ёстиқ жилдлари ҳар қандай харидор диққатини ўзига жалб эта олади. Буни корхонага қарашли «Тўқимачи» савдо дўконига сотувга чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлигидан ҳам билса бўлади.

Тикув машиналарини чаққонлик билан бошқараётган бу ишчиларнинг ҳаммаси кунлик режаларини ошириб бажаришаётир. Тикувчиларнинг ўртача иш ҳақи 5 минг сўмни ташкил этмоқда. Маҳсулот сифати ҳам харидорларга манзур бўляпти.

Фабрика ишчи ва хизматчилари учун барча шароитлар яратилган. Яқин кунларда жамоа ишни икки сменада жорий этишга тайёргарлик кўряпти. Бу усул корхона ишлаб чиқаришини икки ҳисса ортишига замин яратади.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*




*Ҳамкорлик*

## ЭЗГУЛИККА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ

***Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киргач, ушбу нуфузли халқаро тузилманинг кўпгина дастурлари ва бўлинмалари билан кенг ҳамкорликда иш юрита бошлади. Жумладан, БМТнинг ЮНИСЕФ — Жаҳон болаларни асраш ташкилоти билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари сўнгги йилларда самарали ривожланди. Ана шу ҳамкорлик қирралари ҳамда ЮНИСЕФ томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган ёрдам дастурлари хусусида БМТнинг ушбу бўлинмасининг мамлакатимиздаги вакили жаноб Ханна Гетнер билан мулоқотда бўлдик.***

**— Жаноб Ханна Гетнер, аввало, ЮНИСЕФ тузилмасининг дунёда тутган ўрни ва унинг асосий вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Шуни таъкидлаш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ бўлинмаси жаҳон бўйича аёллар ва болаларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Бугунги кунда дунёда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари қанчалар долзарб масала бўлса, ана шу масаланинг таркибий қисми бўлган аёллар ва болалар муаммолари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатликларини яхшилаш ҳам энг долзарб ва муҳим масалалардан саналади. ЮНИСЕФ жаҳон миқёсида турли мамлакатларнинг оналарини ва болаларини соғломлаштириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш, оғир дамларда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишдек эзгу вазифаларни амалга оширади. Жаҳоннинг жуда кўп давлатлари ушбу тузилма билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

**— Ўзбекистон Республикаси билан ЮНИСЕФ ўртасидаги муносабатларни сиз қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонига чиқаётган илк дамлардаёқ раҳбариятингиз ўз сиёсатида аёллар ва болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта эътибор бериш мақсадида эканлигини яхши сезган эдик. Чиндан ҳам бугунги кунга келиб биз Ўзбекистонда шахсан Президентнинг ҳамда ҳукумат олий муассасаларининг аёлларга ва айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга қанчалар катта эътибор, ғамхўрлик билан қараётганликларини кўриб турибмиз. Шунинг учун ҳам ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши, муносабатларни ривожлантириши жуда осон кечмоқда. Шуни айтиб ўтишим керакки, ташкилотимиз Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликка қаратилган бир қанча муҳим шартномаларни имзолаган. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бизнинг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциямизни имзолаган ҳамда бу ҳужжат Ўзбекистон Олий Мажлисининг рўйхатидан ўтган. Бир сўз билан айтганда, ЮНИСЕФ билан мамлакатингиз ўртасидаги алоқалар рисоладагидек ва қонуний йўл билан самарали ривожланмоқда. Бу ривожланишнинг суръатига мен юқори баҳо бераман.

**— Жаноб Гетнер, ЮНИСЕФ ваколатхонасининг Ўзбекистонда болалар соғлиғини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш жараёнига биз ўзимизнинг баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. Айниқса, болалар касалликларига қарши эмлаш борасидаги ишларимиз муваффақиятли амалга ошган лойиҳаларимиздан саналади. ЮНИСЕФ ташаббуси билан 1994-1995 йилларда Ўзбекистонда болаларнинг хавфли хасталиклари — фалаж, бўғма, камқонлик кабиларга қарши Миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Биз мазкур тадбир учун катта миқдорда махсус дори — вакциналарни етказиб бердик. Қилинган ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, 1995 йилда республикангизда ана шу касалликлар билан оғриган бирорта бола аниқланмади. ЮНИСЕФ билан Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликда амалга оширган бу эзгу иш кўплаб болаларни ўлим хавфидан халос қилди.

**— Оролбўйи минтақаси аҳолисига ҳам ёрдам кўрсатмоқдасиз, шундайми?**

— Ҳа, шундай. Орол денгизи атрофида жойлашган ҳудудлар, асосан Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига биз ноёб дори-дармонлар етказиб бермоқдамиз. Бу минтақадаги экологик нохуш вазият биринчи галда болалар ва оналарга салбий таъсир кўрсатмоқда. ЮНИСЕФ мутахассислари ана шундай инсон саломатлигига салбий таъсирларни бартараф этишга қаратилган дорилар, тиббий ускуналар, шунингдек, маслаҳатлар билан Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишим керакки, ЮНИСЕФ нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки Туркманистоннинг Тошовуз, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда ҳудудларидаги аҳолига ҳам ёрдам кўрсатиб, бутун Орол атрофидаги минтақаларда ўзининг эзгу фаолиятини олиб бормоқда.

**— Соғлиқни сақлашдан ташқари яна бошқа соҳаларда ҳам иш олиб борасизларми?**

— Ҳа, албатта. Бизнинг фаолият доирамиз болалар ва аёллар саломатлигини ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмайди. ЮНИСЕФ ваколатхонаси шунингдек таълим, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби долзарб масалаларда ҳам Ўзбекистонга ёрдам кўрсатмоқда. Бу соҳаларда бизнинг бир қанча лойиҳаларимиз ҳаётга муваффақиятли тарзда тадбиқ этилган.

*Одил ҲАСАНОВ ва Ҳайрулло НУРИДДИНОВлар суҳбатлашди.*

*Теннис*

## ЯНА КЎРИШГУНЧА, «ҲАВАС!»

Ўтган пайшанба куни якунланган «Ҳавас» турнири қисқа вақт (6-8 май)да ўтганига қарамай мухлислар ўртасида теннис эҳтирослари ҳамон давом этмоқда.

«Динамо» кортларига келган 60 нафар республика раҳбар ходимлари 15 та гуруҳга бўлиниб, дастлабки беллашувларни бошлаган эдилар. Уч кун давомида турнир қатнашчилари ўзларининг теннис бўйича маҳоратлари, қолаверса, соғлом турмуш тарзини шахсий намуна орқали намойиш этдилар.

Ярим финал баҳсларида аввалги босқичларда сараланган энг кучли тўртлик — Республика соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон теннис федерациясининг президенти Шавкат Каримов, Бош вазир ўринбосари Мираброр Усмонов, Наманган вилоятининг ҳокими Тўлқин Жабборов ва республика Миллий хавфсизлик хизматининг раиси Рустам Иноятовлар сўнгги босқичга чиқиш учун беллашдилар. Ниҳоят, шиддатли курашлардан сўнг Шавкат Каримов ва Тўлқин Жабборовлар финалга йўлланмани қўлга киритдилар. Финал ўйини узоқ ва муросасиз курашларда ўтди. Тай-брекда асосий беллашув дуранг натижа билан тугагандан сўнг қўшимча беллашувда Шавкат Каримов ғалаба қозониб, мамлакат теннис федерациясига муносиб раҳбар эканлигини амалда исботлади. Учинчи ўрин Бош вазир ўринбосари Мираброр Усмоновга насиб этди. (Низомга биноан, ярим финалда бўлажак чемпионга ютқазган ўйинчи «жанг»сиз 3-ўрин соҳиби бўлади).

«Ҳавас» турнирининг ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ушбу ибратли тадбирда қатнашган раҳбарларга миннатдорчилик билдириб, ғолибларга совринларни топширди. Шунингдек, «Ҳавас»корларга республика газеталари томонидан таъсис этилган эсдалик совринлари ҳам топширилди. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раиси Равшан Файзуллаев «Оқшом» газеталари таъсис этган «Энг чаққон ўйинчига» соврини билан тақдирланди.

Биз «Ҳавас» турнирининг ғолиби, соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов билан қисқа мулоқотда бўлдик.

**— Сиз мамлакат теннис федерациясининг президенти бўлганлигингиз учун ҳам турнирда ғолиб чиқишга бел боғлаганмидингиз?**

— Менимча, мавқеидан қатъий назар ғолиблик ҳамма қатнашчиларнинг мақсади эди. Аммо спортда ҳаракат ва албатта омад ҳам зарур. Вилоят жамоаларининг ҳаракат ва интилишлари жуда кучли бўлди. Айниқса, намаганликларни кўрдингизми, кучли саккизликка кирганларнинг 3 нафари шу вилоят вакиллари эканлиги таҳсинга лойиқ. Агар келгусида ҳам вилоятлар «тазйиқи» шу зайлда бўлаверса, Тошкент шаҳри жамоаси янада кўпроқ тер тўкиши лозим бўлади.

**— Ўтган йилги «Президент Кубоги»да финал ўйини анча қисқа бўлган эди...**

— Тўғри айтдингиз. Майдонда кучли рақибга қарши икки йўл бор: бутун куч ва имкониятни ишга солиб, қатъий курашиш ёки осонгина таслим бўлиш. Мен биринчисини танладим.

Энди «Ҳавас» турнирида кучли саккизликдан жой олган иштирокчилар билан танишинг:

Ҳ. Абдураимов — Республика ёшлари «Камолот» жамғармасининг раиси, Т. Жабборов — Наманган вилоятининг ҳокими, К. Тўлаганов — Тошкент шаҳар ҳокими, Р. Иноятов — Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ф. Турсунов — Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, И. Нажмиддинов — Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари, М. Усмонов — Бош вазир ўринбосари.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.*







*СУРАТЛАРДА: «Ҳавас» турнирининг ёпилиш маросимидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## МАСЪУЛИЯТЛИ ПОҒОНАЛАР

***Биринчи лига жамоалари ва олий табақадаги «имтиёзли ўнлик» мамлакат Кубоги ўйинларининг нимчорак финалида қатнашувчи вакилларини белгиладилар.***

Олий лиганинг ўнта жамоасидан («Афросиёб»дан бошқа) тўққизтаси 1/16 финалга чиққан эдилар. Қаршиликлар «Янгиер»ни мағлубиятга учратгач, бирин-кетин «Сурхон» ва «Зарафшон»дан ҳам толе худди шу тариқа юз ўгирди.

Қуйида 1/16 финал ўйинлари (3-7 май)нинг натижалари билан танишинг:

«Ситора» — «Чилонзор» — 1:3, 0:3; «Хоразм» — «Машъал» — 1:0, 1:2; «Атласчи» — «Тўқимачи» — 7:2, 1:0; «Орол» — «Дўстлик» — 3:0, 0:2; «Темирйўлчи» — «Шўрчи» — 2:0, 1:1; «Насаф» — «Янгиер» — 0:0, 0:0; пенальти — 3:0, «Сўғдиёна» — «Зарафшон» — 2:1, 2:1; «Косонсой» — «Сурхон» — 2:0; 1:2;

Энди 1/8 финалга қуръа ташлангач, майдонга олий лиганинг қуйидаги вакиллари ҳам тушишади:

«Пахтакор», «Нефтчи», «Навбаҳор», «Дўстлик», МҲСК, «Трактор», «Бухоро», «Андижон».

*Бобур ХУСАНОВ.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ғалаба байрами муносабати билан иккинчи жаҳон уруши бир гуруҳ фахрийларини қабул қилди.

● 9 май Президент Ислом Каримов Тошкентдаги Номаълум аскар қабрига ҳамда Волгоград кўчасидаги ёдгорликка гулчамбарлар қўйди. Бу ерда давлатимиз раҳбари фахрийлар, маданият намояндалари, журналистлар билан суҳбатлашди.

● Президент Фармони билан Фотиҳ Тешабоев Ўзбекистоннинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиядаги элчиси этиб тайинланди.

● Президент Ислом Каримов Фармони билан Азимжон Муҳиддинов Бош вазир ўринбосари этиб тайинланди.

● Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси» мавзуида республика конференцияси бўлиб ўтди.

● Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлисида йилнинг ўтган тўрт ойида нақд пул эмиссиясининг аҳволи ҳамда дебитор ва кредитор қарзларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди.

● Андижон машинасозлик заводи негизида «Тико», «Нексия», «Дамас» автомобиллари учун ёнилғи баклари ва йирик қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Ўз-Сэмонг-Ко» Ўзбекистон-Жанубий Корея янги корхонаси барпо этилди. У дастлабки маҳсулотни Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги арафасида ишлаб чиқара бошлайди.

● «Маҳалла» хайрия жамғармаси бир гуруҳ фаоллари Лондонда турар жойлардаги жамоат ташкилотлари — коммуните фаолияти билан танишиб қайтдилар. Бу уларнинг Англия жамоатчилик вакилларининг Тошкентга ташрифига жавоб сафари бўлди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Президент Борис Ельцин Россия билан Белоруссия ўртасидаги иттифоқ тўғрисидаги ҳужжатларни 23 май куни имзолашни таклиф этди.

● Бугун Белоруссия Президенти Александр Лукашенконинг Украинага икки кунлик расмий ташрифи бошланди. У Украина Президенти Леонид Кучма билан музокаралар ўтказади. Икки давлат ўртасида ўзаро чегараларни белгилаш, божхона иттифоқи тузиш ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Айни пайтда Александр Лукашенко Леонид Кучмага Россия билан Белоруссия ўртасидаги иттифоққа Украинанинг ҳам қўшилишини таклиф этиш ниятида.

● Душанбеда Тожикистон, Эрон ва Афғонистон Президентлари Имомали Раҳмонов, Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, Бурҳониддин Раббоний ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Уч давлат раҳбари қабул қилган сиёсий баёнотда Афғонистонда бир-бирига қарши турган кучларни музокаралар бошлашга даъват этилади.

● Эрон Президенти кеча Душанбедан Ашхободга келди. Бугун унинг Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан музокаралари бошланади.

● Чеченистонда яна уч журналист — Россия мустақил телевидениеси (НТВ) ходимлари ўғирлаб кетилди. Шу муносабат билан Россия федерал маъмурлари Чеченистон раҳбариятини республикадаги вазиятни ўз назорати остига ололмаётганда айблади. Ўз навбатида Чеченистон Президенти Аслан Масхадов журналистлар ўғирлаб кетилишида Россия ички ишлар вазири Анатолий Куликовни айбламоқда.

### ХОРИЖДА

● АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Марказий Америка давлатларига сафари давом этмоқда. У Коста-Рикада бўлганидан сўнг Барбадосга келди.

● Бугун Мальти давлати пойтахтида Жанубий Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Ҳиндистон ва Покистон бош вазирлари ўртасида музокаралар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Бу икки қўшни мамлакат ҳукумат раҳбарларининг сўнгги саккиз йилдаги илк бор бевосита учрашуви бўлади.

● Рим папаси Павел Иоан II илк бор Байрутга келди. У Ливанда бир-бирига қарши турган христиан ва мусулмон мазҳабига қарашли мамлакат фуқароларини ўзаро тотувликка ва ярашишга даъват этди.

● Эроннинг Хуросон вилоятида 7 баллдан ортиқроқ куч билан машъум зилзила рўй берди. Бу ердан олинаётган хабарларга қараганда 2400 киши ҳалок бўлган, 6000 киши жароҳатланган. Минглаб кишилар бошпанасиз қолган.

● Бугун Россия мудофаа вазири Игорь Родионовнинг АҚШга ташрифи бошланди. У Америка билан мудофаа соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар ўтказганидан сўнг бу ердан биринчи марта Японияга расмий ташриф билан йўл олади.

● Бугун Нью-Йоркда шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров «Ай-Би-Эм» компаниясининг ўта мукаммал «Дип Блю» компьютерига сўнгги, олтинчи ўйинни бой бериб қўйди. Натижада мукофотга 1,1 миллион доллар тикилган бу матчда 3,5:2,5 ҳисобида компьютерга ютқазди.

*Футбол*

## ИЛК ҒАЛАБА

9 май куни Яман мамлакатининг Ал-Гавра шаҳрида жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида қатнашаётган миллий терма жамоамиз ва яманлик футболчилар ўртасидаги илк учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу ўйин миллионлаб ишқибозлар учун қўш байрамга айланиб кетди. Футболчиларимизнинг 0:1 ҳисобидаги ғалабаси (Нуъмон Ҳасанов, 36-дақиқада) Осиё минтақасининг 5-саралаш гуруҳида дарҳол сезиларли мавқени белгилади. Ўйиннинг 33-дақиқасида Илҳом Шарипов икки марта огоҳлантиришдан сўнг, майдондан четлатилди. Натижада учрашув охиригача футболчиларимиз тўлиқ бўлмаган таркибда ҳаракат қилдилар. Айниқса дарвозабон Павел Бугало юксак маҳорат кўрсатиб, мухлислар меҳрига сазовор бўлди.

Энди навбатдаги саралаш учрашуви 25 май куни бўлади. Футболчиларимиз «Пахтакор» марказий стадионида Камбоджа терма жамоасини қабул қиладилар. Камбоджалик футболчилар ҳозиргача 3 та ўйин ўтказганлар:

Индонезия — Камбоджа — 8:0, Яман — Камбоджа — 1:0, Камбоджа — Индонезия — 1:1. Шундай қилиб, уларнинг ҳисобида ўтган 3 ўйин натижасига кўра 1 очко бор. Миллий терма жамоамизнинг навбатдаги ғалабаси ўз гуруҳида пешқадамликни қўлга киритиш учун кифоя қилади.

*Баҳодир ЭСОНОВ.*

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришдан иборатдир.

**2-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Қонуннинг амал қилиш соҳаси**

Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ушбу Қонун Тошкент шаҳрида, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларда, шунингдек шаҳарчаларда шаҳар йўловчилар транспорти субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳар йўловчилар транспорти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти тушунчаси**

Шаҳар йўловчилар транспорти деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташишга мўлжалланган автомобиль ва электр транспорти тушунилади.

**4-модда. Шаҳар йўловчилар транспортининг мулк шакллари**

Шаҳар йўловчилар транспорти оммавий ёки хусусий мулк асосида ишлаши мумкин.

**5-модда. Шаҳар йўловчилар транспортининг турлари**

Шаҳар йўловчилар транспорти жумласига автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксилар киради.

Автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен ва йўналишли таксилар белгиланган йўналишлар бўйича, ҳаракат жадвалига мувофиқ, белгиланган тарифдаги ҳақ эвазига йўловчилар ташийди.

Йўналишсиз таксилар йўловчиларнинг талаблари асосида таксометр (ҳисоблагич) кўрсатиши бўйича ҳақ эвазига ташиш хизматлари кўрсатади.

**6-модда. Идораларга қарашли йўловчилар транспорти**

Идораларга қарашли йўловчилар транспорти жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ходимларини муайян йўналиш ва ҳаракат жадвали бўйича мазкур корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан белгиланган тартибда ёхуд ташиш шартномаси бўйича ташиш хизматлари кўрсатувчи автобуслари ва микроавтобуслари киради.

Идораларга қарашли йўловчилар транспортидан шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан тузилган ташиш шартномаси бўйича йўловчилар ташиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу ҳолда шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари идораларга қарашли йўловчилар транспортига нисбатан татбиқ этилади.

**7-модда. Йўловчи ташиш шартномаси**

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ташиш иши ташиш шартномаси асосида амалга оширилади.

Йўловчи ташиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қуйидагилар ташиш шартномасининг тарафларидир:

ташувчи -- мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда транспорт воситасига эга бўлган, шаҳарда тижорат асосида йўловчилар ташиш хизмати кўрсатадиган ва бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

йўловчи -- ташувчининг хизматидан фойдаланувчи жисмоний шахс.

Ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини ва унинг багажини белгиланган манзилга элтиб қўйиши шарт. Йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багажи бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаши шарт.

**8-модда. Ташувчининг асосий вазифалари**

Қуйидагилар ташувчининг асосий вазифаларидир:

фуқароларнинг ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини ташкил этиш;

йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш;

йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини, транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлигини, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари бажарилишини таъминлаш.

**9-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш**

Давлат шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини лицензиялаш, солиқ солиш, кредитлаш, молиялаш ва нарх белгилаш, инвестиция, ягона илмий-техника сиёсатини амалга ошириш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан тартибга солади.

**10-модда. Шаҳар йўловчилар транспортини давлат томонидан бошқариш**

Шаҳар йўловчилар транспортининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси махсус ваколат берган шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан амалга оширилади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

ривожлантириш ва илмий-техника тадқиқотлари ўтказиш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

лицензиялаш тартибини белгилаш;

кредитлаш, молиялаш ва инвестициялар соҳасида устун йўналишларни аниқлаш;

метрополитен ва бошқа муҳим объектлар қурилишини молиялаш масалаларини ҳал этиш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни изчил рўёбга чиқариш;

халқаро шартномалар бажарилишини таъминлаш ва давлатлараро алоқаларни ривожлантириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**12-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва комплекс минтақавий дастурларни тасдиқлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳақида шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан шартнома тузиш ва транспорт ҳаракатини ташкил этиш режасини тасдиқлаш;

йўл қўйиладиган доирадаги тарифларни белгилаш ва уларга риоя этилиши устидан назоратни уюштириш;

бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини, бошқа объектларни жойлаштириш, қуриш ва ободонлаштириш масалаларини ҳал этиш;

йўловчилар ташиш ишининг сифати устидан назорат қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**13-модда. Шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органининг ваколатлари**

Шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

ташувчилар билан шартномалар тузиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини таъминлаш;

ягона техника сиёсати юритиш;

барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмлари ва турларини кенгайтириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш;

йўловчиларга хизматлар кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, шунингдек йўналишли таксиларда йўловчилар ташиш йўналишлари ва ҳаракат жадвалларини тасдиқлаш;

йўловчиларнинг ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилиш;

шаҳар йўловчилар транспорти субъектлари учун ягона чипта тизимини жорий этиш, йўл чипталари, варақалари, шунингдек айрим тоифадаги фуқароларга транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар тайёрлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**14-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини лицензиялаш**

Ташувчи шаҳарда йўловчилар ташишни махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширади.

Шаҳарда йўловчилар ташиш учун лицензия бериш ва уни қайтариб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**15-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини молиялаш**

Шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини молиялаш ташувчиларнинг даромадлари, ўз инвестициялари ва чет эл инвестициялари, бюджет маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарда йўловчилар ташиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари, метрополитен қурилиши, қоида тариқасида, давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Бекатларни, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини лойиҳалаш, қуриш, ободонлаштириш ва саранжом сақлаш, шунингдек янги трамвай ва троллейбус йўллари қуриш маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўл қўйиладиган доирадаги тарифлар бўйича йўловчилар ва багаж ташиш хизматлари кўрсатиш муносабати билан кўрган зарари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Айрим тоифадаги фуқароларни транспортда имтиёзли ташиш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

**16-модда. Шаҳар йўловчилар транспортида йўл ҳақи тўлаш**

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини тўлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан йўл қўйиладиган доирада белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташишнинг йўл қўйиладиган доирадаги тарифлари даражаси иқтисодий асосланган ташиш харажатларидан ва йўловчилар ташиш хизматларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади.

Йўналишсиз таксиларда багаж ташиш ҳақи олинмайди.

**17-модда. Солиқлар ва имтиёзлар**

Шаҳар йўловчилар транспортининг ташувчиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар тўлайди ва имтиёзлардан фойдаланади.

**18-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқи**

Шаҳар йўловчилар транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқи тегишли малакага эга бўлган ва тиббий текширувдан ўтган шахсга берилади.

Йўловчилар транспортини бошқаришга доир малака талаблари ва тиббий текширувдан ўтиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

**19-модда. Йўналишларни ташкил этиш. Бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзиллари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органлари, аҳолининг эҳтиёжларига қараб йўналиш тармоқларини ҳамда шаҳар йўловчилар транспортининг ҳар хил турларини улардан самарали фойдаланишни назарда тутган ҳолда ривожлантиришни таъминлайдилар.

Йўналишларни ташкил этиш, шу жумладан янги йўналишлар очиш ва ишлаб турганларини ўзгартириш, бекатларни, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини жойлаштириш ерини аниқлаш шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Йўловчиларнинг, шу жумладан ногиронлар ва болали йўловчиларнинг транспорт воситасига чиқиши ва ундан тушишининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзиллари ҳудудида жиҳозланган супачалар бўлиши лозим.

Бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсати билан аҳолига хизматлар кўрсатиш объектлари жойлаштирилиши мумкин. Бунда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги ҳамда транспорт ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши керак.

Бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзиллари мазкур турдаги иншоотларга қўйиладиган санитария ва техника талабларига мос, замонавий кўринишга эга бўлиши лозим.

**20-модда. Шаҳар йўловчилар транспортининг ҳаракат жадвали**

Шаҳар йўловчилар транспортининг ҳаракати ташувчи томонидан шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи тасдиқлаган ҳаракат жадвалига мувофиқ ташкил қилинади.

Барча бекатларда, охирги ва тўхтаб ўтиш манзилларида йўналишнинг номи, тартиб рақами ва ҳаракатнинг оралиқ вақти тўғрисидаги маълумот лавҳаси жойлаштирилади.

Метрополитен бекатларида поездлар ҳаракатининг оралиқ вақти махсус қоидаларга биноан белгиланади.

**21-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти воситаларига қўйиладиган талаблар**

Шаҳар йўловчилар транспорти воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техникавий шартларга, тиббий-санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган транспорт воситалари фойдаланишга қўйилмайди.

Йўловчилар транспортини сертификатлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шаҳар йўловчилар транспортининг салонида ҳаракат йўналиши, йўловчи ва багаж ташиш ҳақи тўғрисидаги маълумот, шунингдек бошқа зарур ахборот бўлиши лозим.

Ташувчи шаҳар йўловчилар транспортида ногиронлар ва болали йўловчилар учун зарур қулайликларни яратади.

Йўналишсиз таксиларда йўл ҳақини аниқлаш учун ҳисоблагич (таксометр), махсус таниб олиш белгилари ва бошқа енгил автомобиллардан фарқланувчи рақам белгилари бўлиши лозим.

Йўналишсиз таксилар учун умумий белгилар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**22-модда. Шаҳар йўловчилар транспортида реклама**

Ташувчилар юридик ва жисмоний шахсларнинг рекламасини транспорт воситаларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирадилар.

**23-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти ташувчисининг мажбуриятлари**

Ташувчи:

шаҳарда йўловчиларни ташиш ишларини бажариш учун лицензияга эга бўлиши;

йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этиши;

йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаши;

меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғиндан сақлаш хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талабларини бажариши;

ҳаракат хавфсизлигини, шаҳар йўловчилар транспортидан техник фойдаланиш ва уни ишлатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

фуқароларнинг айрим тоифаларини имтиёзли ташиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажариши шарт.

Ташувчиларнинг белгиланган йўналишдан ўзбошимчалик билан четга чиқиши, ҳаракат жадвалини бузиши ҳамда йўловчиларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бирон-бир талабни қўйиши ман этилади.

**24-модда. Йўловчиларнинг ҳуқуқлари**

Йўловчилар:

шаҳар йўловчилар транспортининг ҳар қандай туридан фойдаланиш;

бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларидан фойдаланиш;

ўзлари билан биргаликда етти ёшгача бўлган болаларини бепул олиб юриш;

ўлчамлари белгиланган катталикдан ошмайдиган, вазни йигирма килограммгача бўлган қўл юкини бепул олиб юриш;

белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлаб багаж олиб юриш;

ҳаёти ва соғлиғини шахсий суғурта қилиш ҳақида ихтиёрий равишда шартнома тузиш;

бекатлар ва охирги диспетчерлик манзиллари диспетчерларидан шаҳар йўловчилар транспортининг иши тўғрисида ахборот олиш;

қонун ҳужжатларида берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

**25-модда. Йўловчиларнинг мажбуриятлари**

Йўловчилар:

йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этишлари;

йўл ҳақи ва багаж ташиш ҳақини ўз вақтида тўлашлари, чиптани манзилга етгунга қадар сақлашлари ва уни назорат қилувчи шахсларнинг талабига биноан кўрсатишлари;

транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатишлари;

шаҳар йўловчилар транспортидан фойдаланганда тозалик ва тартибга риоя этишлари, ташувчиларнинг асбоб-ускуналари ва мол-мулкини эҳтиёт қилишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришлари шарт.

Йўловчиларнинг тез ёнувчан, портловчи, заҳарли, радиоактив моддалар ва ашёларни, шунингдек ғилофсиз ўқотар қурол, тиғли ва кескир ашёларни олиб юришлари ман этилади.

**26-модда. Шаҳар йўловчилар транспортида имтиёзли юриш**

Айрим тоифадаги фуқароларга қонун ҳужжатлари билан шаҳар йўловчилар транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқи белгиланади.

Транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқидан фойдаланадиган шахсларнинг қўл юки ва багаж олиб юриши умумий асосларда амалга оширилади.

Транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар бўйича кетаётган йўловчилар учун шаҳар йўловчилар транспортида амал қилаётган ташиш қоидалари мажбурийдир.

**27-модда. Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар Қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Чипталарни, йўл варақаларини ва шаҳар йўловчилар транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик қонунда белгилаб қўйилади.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти*
*И. КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 25 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

## «ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси*
*Э. ХАЛИЛОВ.*

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 25 апрель.

---

Солиқ

## ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги VIII сессиясида «Солиқ кодекси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Чилонзор тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Азмиддин Султонов билан суҳбатимиз шундан бошланди.***

— Солиқ тизими талабларининг туб моҳиятини тўғри идрок этмасдан туриб, солиқ кодексининг асл мазмунини тўлақонли тушуниш қийин. Фуқаро ёки раҳбар солиқлар нима учун тўланаётганини аниқ билишлари жуда муҳим.

Биз солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигида бўлаётган ўзгаришларни етказиш ва тушунтириш мақсадида мунтазам равишда семинар машғулотлар, ўқув машғулотлари ўтказиб бормоқдамиз. Бундан ташқари солиқ тўловчиларнинг мурожаатнома ва саволларига инспекция бўлимлари ходимлари томонидан доимий равишда батафсил жавоблар бериб борилаётир.

Лекин шуларга қарамасдан, инспекция томонидан ўтказилаётган текширувлар натижасида солиқ қонунчилигининг бузилиш ҳоллари аниқланмоқда. Масалан: биринчи чорак якуни бўйича туманда фаолият кўрсатаётган 2229 корхона ва ташкилотдан 281 таси текширилганда 203 тасида солиқ қонунчилигининг бузилиш ҳоллари аниқланди. Хатоликларга йўл қўйган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳуқуқбузарлик кодексининг тегишли моддаларига биноан жавобгарликка тортилиб, улардан 392,2 минг сўм жарима ундирилди.

1997 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра инспекцияда 2898 та якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар рўйхатдан ўтказилди.

Туманимиз ҳудудида деҳқон бозорларидан ташқари «Отчопар» буюм бозори ҳам жойлашган. Туман ҳудудида ва бозорларда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишини назорат қилиш мақсадида инспекциямиз томонидан доимий равишда тадбирлар ўтказилиб борилади. Чорак якуни бўйича 252 маротаба рейдлар ташкил этилди, 1037 нафар фуқаронинг хато ва камчиликлари аниқланди. 89 фуқаронинг солиқларни яшириш ҳоллари аниқланди. 1037 фуқаро эса Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳуқуқбузарлик кодексининг тегишли моддаларига биноан 1 миллион 707,8 минг сўм жаримага тортилди.

Юқорида кўрсатилган маъмурий-ҳуқуқбузарликлардан ташқари солиқ қонунчилигини қўпол равишда бузган 43 та мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилиб, қонунни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Масалан: якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро Р. Мўминов ва Н. Халиловлар «Отчопар» буюм бозорида савдо фаолияти билан шуғулланиб, фаолиятдан олган 93600 сўмлик даромадларини яширганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

«Интегратор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида инспекция томонидан ўтказилган текширув натижасида корхона томонидан 1995-96 йиллар якуни бўйича давлат бюджетидан 669,9 минг сўм миқдорида солиққа тортиладиган даромад камайтириб кўрсатилганлиги аниқланди ва корхонанинг мансабдор шахслари жиноий жавобгарликка тортилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тамаки ва спиртли ичимликларга акциз маркалари жорий этилди. Бу қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи тузиб, унинг зиммасига савдо ташкилотларида ўз вақтида инвентаризация ўтказилишини ва акциз маркалари билан таъминлаш ишларини юкладик. Шу билан бир қаторда туман ҳудудида жойлашган савдо ташкилотларида, бозорларда қарорнинг қай даражада бажарилаётганлиги юзасидан тадбирлар ўтказилди.

Шу тадбирлар натижасида 85 фуқародан 19407 дона акциз маркасиз спиртли ичимликлар ва 134283 қути тамаки маҳсулотлари олиниб, 14 фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди ва улардан 24900 сўм миқдорида жарима ундирилди. 35 фуқаро устидан жиноий иш қўзғатилди. Мисол учун шу йилнинг 15 январь кунидаги текшириш чоғида «Отчопар» улгуржи-чакана буюм бозорида Греция давлатида ишлаб чиқарилган умумий қиймати 721 минг сўм бўлган тамаки маҳсулотини акциз маркасиз сотаётган фуқаро ушланди. 22 мартдаги текширувда эса худди шу бозордан фуқаро А. Алимов 328,2 минг сўмлик акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотларини сотаётган вақтда ушланди. Уларнинг барчасининг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тадбиркорликнинг якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, даромад олаётган фуқаролар қатъий солиқ тўлови миқдорини белгилаш тўғрисида»ги қарори билан тадбиркорларга бирмунча енгилликлар яратилди. Енгиллик деганимизнинг маъноси шуки, қарор чиққунга қадар тадбиркорлар қайд гувоҳнома олгандан сўнг унга қўшимча равишда ҳисоб-китоб ва ғазна дафтарини юритишлари лозим эди. Бу дафтарларни юритиш уларга бирмунча қийинчиликлар туғдирар эди. Яъни инспекция ходимлари томонидан юқорида кўрсатилган дафтарларни юритишда доимий равишда йўл-йўриқлар кўрсатилишига қарамасдан, текширувларда жуда кўп камчиликлар аниқланар эди. Бундан ташқари ўтказилаётган тадбирлар жараёнида тадбиркорлар томонидан дафтарларга сана қўйиш, сотувга олиб чиққан молларни кўрсатиш, ғазна дафтарига сотилган молларни ёзиш каби камчиликлар аниқланарди. Эндиликда бундай ҳолатлар учрамаслигига аминмиз. Шунингдек «Отчопар» бозорининг кенгайганлигини инобатга олиб, биз ҳам шу ернинг ўзида тадбиркорлар фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни назорат қилиш бўлимини очдик. Бу ерда иш юритиш компьютер асосида ташкил этилган. 36 нафар ходимимиз шу ернинг ўзида барча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳозирги кунда тадбиркорлар томонидан қайси фаолият турларига қанча солиқ миқдори белгиланганлиги ва қайси фаолият турига қатъий солиқ белгиланганлиги ҳақида жуда кўп саволлар тушмоқда.

«Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан туманимизда бирмунча ишлар амалга оширилди. Бюджет олдида қарзи бор ташкилотлардан 1287 тасининг 835 миллион 400 минг сўми банкдаги ҳисоб-китоб рақамига тўлов хабарномаси қўйилган. Бу корхоналарнинг 354 тасига талабномалар тарқатилди. 233 та корхонадан эса 270 миллион 700 минг сўм ундирилди.

Бугунги кунга келиб 34 та корхонанинг 259 миллион 500 минг сўм қарзи бўлгани учун улар хўжалик судига топширилди. 23 та корхонанинг мол-мулки хўжалик судининг қарори билан ҳисоб-китоб қилишга рухсат этилди. Ҳозиргача улар орасидан иккитасининг 1300 минг сўмлик моли сотилди. 12 тасида ҳисоб-китоб ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, янги амалга оширилиши кўзда тутилган ишларга тўхталадиган бўлсак, пул эмиссияси, назорат касса машиналаридан фойдаланиш, автотранспорт воситалари эгаларининг солиқ тўлаганлигини билдирувчи қўшимча ҳисоб варақасининг жорий этилиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, туман давлат солиқ инспекциямиз томонидан биринчи чоракда белгиланган 1 миллиард 475 миллион 592 минг сўм давлат бюджети ҳисобига туширилиши керак эди. Бу кўрсаткич 1 миллиард 565 миллион 221 минг сўм қилиб адо этилди. Яъни давлат бюджетига қўшимча 89 миллион 629 минг сўм туширилди.

Фуқаролар, корхона ва фирма раҳбарлари солиқ тўлашнинг қонун-қоидаларини мукаммал ўрганиб, унга тўла амал қилсалар, нур устига аъло нур бўларди. Улар қонун барча учун баробар эканлигини доимо ёдларида тутишлари керак.

*Гулзода АБДУЛЛА қизи.*

*Посбонлар*

# ШУНҚОРЛАР УЛҒАЙМОҚДА

***Она замин ҳамма нарсага қодир: нони билан тўйдириши, булоқларининг зилол суви билан чанқоқни қондириши, ўз гўзаллиги билан ҳайратга солиши мумкин. Шунинг учун она заминни ҳимоя қилиш — унинг нони, сувидан баҳраманд бўлаётганларнинг, гўзалликларидан завқ олаётган мард ўғлонларнинг бурчидир.***



Ватанга бўлган муҳаббат ва уни ҳимоя қилиш истаги ўзини ҳарбий касбга бахшида этмоқчи бўлган инсонлар учун жуда муҳимдир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Тошкент ҳарбий лицейи ҳам ана шундай ватанпарвар юрт посбонларини тайёрловчи ўқув юртларидан биридир.

Дастлаб лицейнинг тарихи ҳамда ундаги ўқув жараёни тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтсак. Ҳамза туманида жойлашган жисмоний-ҳарбий тайёргарликни кучайтириш мактаб интернати 1983 йили фаолият бошлаган эди. Кейинчалик (1992 йилда) ўқувчиларни ҳарбий мутахассисликка йўлловчи Республика лицейига айлантирилди. Айни пайтда эса 300 нафар ўқувчи ушбу ўқув даргоҳида таълим-тарбия олмоқда. Шулардан 221 нафари ўзбек миллатига мансубдир. Толиби илмлар бу ерда ҳарбий илм сабоқларини ўрганиш билан бирга ўрта маълумот ҳам оладилар. Ушбу лицейда ўқувчилар икки йил давомида таълим олишади. Лицейда сабоқ олаётганларнинг 60 фоизи вилоятлардан келган бўлиб, уларнинг кўнгилли ўқиб, истиқомат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, тўрт қаватли ётоқхона ҳам талабалар хизматида.

Спорт кишини ҳам жисмонан, ҳам руҳан тоблаши сир эмас. Шу сабабдан лицейда ўқувчиларни спортга ошно қилиш, унга кенг жалб этиш масалаларига муҳим аҳамият қаратилади. Бинобарин, замонавий спорт кошоналаридан қолишмайдиган тўртта спорт зали ҳам бўлғуси зобитлар ихтиёрида бўлиб улар бу ерда турли спорт ўйинлари, чиниқтирувчи машқлар билан шуғулланадилар. Қувонарлиси, югуриш, турникка тортилиш, шахмат-шашка, волейбол, бокс, футбол каби спорт турлари бўйича мусобақалар лицейда мунтазам равишда ўтказиб турилади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб топдик. Республика Халқ таълими вазирлигининг хайрли ташаббуси билан ҳар йили мамлакатимиздаги ҳарбий лицейлар ўқувчилари ўртасида «Ватанпарвар» спорт мусобақаси ўтказиладиган бўлди. Мусобақаларда ҳарбий мутахассисликка йўлловчи Тошкент лицейи курсантлари муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.



Яқин кунларда лицейга қабул қилиш ҳам бошланади. Илм масканига республикамизнинг барча вилоятларидан келган соғлом, жисмонан бақувват, маънавий пок йигитлар қабул қилинадилар. Бунинг учун 8-синфни битирган ёшлар аввало, физика-математика ва жисмоний тарбия фанларидан кириш имтиҳонлари топшириб, танловдан ўтишлари керак.

Ҳарбий лицейнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларга жисмоний тарбия ва (бошланғич) ҳарбий тайёргарликдан чуқур билим бериб, уларни республика ҳарбий билим юртларига тайёрлашдан иборат. Ўтган йиллар мобайнида мазкур даргоҳни юзлаб ўғлонлар тугатиб чиқди. Бугунги курсантларимиз эса мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги ҳимоячиларидир.

Равшанки, ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш, ўқитувчи ва зобит-тарбиячиларнинг касб маҳоратларини ва ижодий ўсишини ошириш, шунингдек лицей фаолиятининг истиқболли, муаммоли масалаларини кўриб чиқиш мақсадида барча ходимларни бирлаштирадиган ҳайъат органи, яъни лицей кенгаши тузилган.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама тайёргарликларини кучайтириш мақсадида жисмоний тарбия, инглиз ва шарқ тиллари, ҳарбий тайёргарлик дарслари чуқурлаштирилган дастурларга мувофиқ амалга оширилади. Лицей ўқувчилари шунингдек, бошқа муассаса, ташкилотлар негизидаги спорт, техника ва бошқа тўгараклар, шўъбаларнинг машғулотларида қатнашишлари мумкин.

Ҳарбий тайёргарлик бўйича билимларни таҳлил қилиш ва у ёки бу материалларни ўзлаштиришни текшириш тест усулида компьютерларда ўтказилади. Бугунги кунда ҳарбий лицей ҳудудида, ҳар бир ўқув хонасида ҳамда мустақил тайёргарлик хоналарида республикамиз рамзларига бағишланган чиройли, ёрқин кўргазмали қуролларни кўришимиз мумкин.

Хуллас, мазкур билим даргоҳи ходимлари лицей тарбияланувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга юксак ахлоқий-маънавий сифатларни сингдириш ҳамда Ватан ҳимоячиси бўлиб етишишига катта эътибор қаратмоқдалар.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Тошкент ҳарбий лицейи фаолиятидан лавҳалар.*

*Диллашув*

# НАСИБАМ САҲНАДА ЭКАН



***Талай саҳна асарларида етакчи қаҳрамонлар қиёфасини қойилмақом қилиб яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Афзал Рафиқов билан дилдан суҳбатлашдик.***

**— Санъат оламига қандай кириб келгансиз?**

— Ёшлигимдан санъатга, айниқса театр санъатига ошифта эдим. Тўлиқсиз ўрта мактабни тугатиб, самолётсозлик техникумига кириб таҳсил олдим. 1967—69 йилларда самолётсозлик заводида кичик муҳандис ишчи бўлиб меҳнат қилдим. Юрагимда санъатга интилиш ҳар доим жўш уриб турарди. Шу туфайли 1969 йилда Тошкент театр ва рассомлик (ҳозирги санъат) институтининг драма ва кино актёрлиги факультетига имтиҳон топширдим, аммо бахтим чопавермади. Ниҳоят сиртқи бўлимга жойлашиб, кундузлари Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида оддий саҳна ишчиси бўлиб хизмат қилдим. 1974 йилдан бошлаб актёр сифатида саҳнада роллар ижро эта бошладим. Муҳташам саҳнадаги биринчи ролим Шиллернинг «Қароқчилар» томошасидаги Швейцарь образидир. Ўша пайтдаги ҳаяжонимни гапирсам гапим тамом бўлмайди. Чунки масъулиятли образни тўла гавдалантириб бера олганим учун санъат шинавандалари мени ғоят хушнудлик билан кутиб олишган эди. Шундан сўнг Борис Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ» драмасидаги Плотников, Ҳ. Абдуллиннинг «Ўн учинчи раис» пьесасидаги партия ташкилотчиси Зокиров қиёфаларини гавдалантирдим.

**— Бир неча йиллардан бери Аброр Ҳидоятов номли драма театрида хизмат қилаяпсиз...**

— Мен театр ташкил этилганда биринчилардан бўлиб шу театр кошонасига келганман. «Искандар» асаридаги буюк шоир Навоий, У. Ҳожибековнинг «Аршин мололан»даги Султонбек каби образларни яратдим. Яқинда жаҳон драматургиясининг шоҳ асарларидан бири Шекспирнинг «Отелло» фожиасидаги Яго ролини ижро этдим. Бу асардаги Отелло, Яго, Дездемона ролларини бундан бир неча ўн йиллар муқаддам машҳур актёрларимиз, устозларимиз Аброр Ҳидоятов, Наби Раҳимов, Сорахоним Эшонтўраевалар қойилмақом қилиб ижро этишган эди. Масъулиятли бурч, вазифани уддалай оламизми деган ният, орзу билан жаҳоншумул асарга қўл урдик. Яратганга шукрки, томошабинлар бу асаримизни илиқ кутиб олди.

**— Сизнинг ёрқин овозингизни кўпгина кино асарларида сезиб, дарҳол «Бу Афзал Рафиқовку» деб илғаб оламиз...**

— Кинофильмларга овоз бериш учун таклиф қилишади. Шу пайтгача 800 га яқин кино асарларига овоз берганман...

Видеофильм, телеспектаклларда ҳам бир неча роллар олиб чиқишга муваффақ бўлдим. «Ичкуёв»да Виктор, «Омон бўлсанг, унутма»да Пусков, «Домла» кўп серияли видеофильмида Иноғом ролларини ижро этганман.

**— Кўп серияли телефильмларга айниқса, пайғамбаримиз «Муҳаммадур Расулуллоҳ» фильмига овоз бериш масъулияти қандай кечган?**

— Ҳинд халқининг кўп қисмли «Маҳобхорат» кинофильмига овоз бериш Ҳожиакбар Нурматов ва менга топширилган эди. Бунинг уддасидан чиқа олганимиздан хурсандмиз. Улкан даврни акс эттирган «Муҳаммадур Расулуллоҳ» кўп қисмли кино асарга овоз бериш жуда масъулиятли вазифа эди. Яратганга шукрки, бу фильмлардаги овозим кўпчилик телетомошабинларга ёқиб қолибди. Уларнинг илиқ дил сўзларидан жуда хурсандман.

**— Оилангизда санъаткор бўладиганлар борми?**

— Шоҳидахон билан турмуш қуриб, уч ўғилни тарбияладик. Аёлим шифокор, ўғилларим Аҳрол, Сардорлар қўшма корхонада ўз касблари бўйича меҳнат қилишмоқда. Кенжам Сарвар эса ўрта мактабда. Булар санъаткор бўлмаганидан асло хафа эмасман. Чунки қуш ўз ризқини топгандай, фарзандларим ҳам бошқа соҳада насибаларини топишмоқда.

**— Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?**

— Аввало бўш вақтларим кам бўлади. Бўлганда ҳам китоб мутолаа қилиш, рўзғор ишлари билан машғул бўламан. Орзуим шуки мустақил юртимизнинг меҳнаткаш инсонлари акс эттирилган саҳна асари яратилса. Ўша асарлардаги инсонларнинг тўлақонли образларини саҳнада ўйнасам. Ҳамшаҳарларим соғ-омон бўлишсин. Хонадонларига осойишталик тилайман.

*Суҳбатдош Омон САЙДАМИНОВ, муаллим.*

## ШАХСИЙ НАМУНА

Валижон Очилов рота бўйича ўз ишининг энг моҳир усталаридан бири ҳисобланади. Уни бошлиқлар ва хизматдошлари «ҳақиқий профессионал разведкачи» дея таърифлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам Валижон ўз вазифасини жуда пухта билади. Яқинда бўлиб ўтган ўқув машғулотлари чоғида у аъло даражада тайёргарлик кўрганлигини яна бир марта исботлади.

Оддий аскар Очилов разведкачиларнинг ёлғизоёқ сўқмоғи бўйлаб жуда синчковлик ва маҳорат билан ҳаракат қилди. Йўлдаги барча тўсиқлар — миналар майдони, турли-туман «қопқон»лардан усталик билан ошиб ўтди. Энг қувонарлиси — бунинг учун энг оз вақт сарфлаб, ўзидан деярли из қолдирмади. Машғулотнинг якунловчи босқичида эса ўт очиш маррасидан туриб, барча нишонларни бехато мўлжалга олди.

Жанговар ва оммавий-сиёсий тайёргарлик аълочиси, оддий аскар Валижон Очилов юртимизнинг шонли посбонлари анъаналарини муносиб давом эттиряпти. Хизматдошлари энг намунали аскар сифатида ундан доимо ўрнак оладилар.

*Беҳзод ЭГАМОВ.*

## ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

Бизнинг взводимизда вертолётчи ихтисослиги бўйича зобитлар тайёрланади. Турли вилоятлардан келган йигитларнинг аҳиллигига ҳамма ҳавас қилади. Биз барча бўлинмаларнинг курсантлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб борамиз. Масалан, бизнинг мутахассислигимиздаги офицерлар қулай об-ҳавони аниқлаш учун синоптиклар билан бевосита ҳамкорлик қилишлари керак. Мана, қишки семестр имтиҳонларини намунали якунлаб, навбатдаги ўқув машғулотларида фаол қатнашяпмиз. Гуруҳдошларимиздан тошкентлик йигитлар Жамшид Саидов, Ҳалим Ботиров ва Исроил Бекмирзаевлар ўзларининг аъло ўқиш ва намунали хулқлари билан барчага ўрнак бўлишяпти. Ўқув-моддий базамизнинг яхшилиги ҳам дарсларнинг янада қизиқарли ўтишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртимизга кирувчиларга омад тилаймиз.

*Курсант О. КАМОЛОВ.*

*Ёднома*

# СУҲБАТИ ЖОНОН ЭДИ

***Анвар Эшонов истеъдодли шоир ва ёзувчи бўлиш билан биргаликда ғоятда суҳбати жонон, сўзни топиб гапира оладиган, кишини ҳайратда қолдирарли даражада ҳозиржавоб эди. Бугун Анвар ака орамизда йўқ. У ҳаёт бўлганида 60 ёшга кирар эди.***

***Анвар акадан кўнгилга яқин, қуйма сатрлари, сероб шеърлар, дилтортар ҳикоялар, ажойиб достонлар ёдгор бўлиб қолди. У киши шеърларини маромига келмагунча қайта-қайта таҳрир қиларди. Ўз таъбири билан айтганда «худди деҳқонга ўхшаб тўрт томондан культивация қилиб юборгувчи» эди.***

***Жуда кўплаб латифанома, қувноқ ҳангомаларни у кишининг ўз оғзидан эшитганман. Баъзиларига эса ўзим гувоҳ бўлганман.***



### «ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ»-ДАН — АЪЛО!

Тўртинчи курсда ўқийман, десанг. Бир куни университетга борсам, «Военка»дан имтиҳон бўлаётган экан. Қарасам, курсдошларнинг қовоғи солиқ, имтиҳонга киришга ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Кирганлари эса хуноб.

Тўхта, дедим, мен кирай-чи! Хушбеков деган полковник имтиҳон олаётган экан. У ёқ-бу ёғимни тузатдим, қаддимни ғоз тутиб, гурс-гурс қадам ташлаб кириб, эшик ёнида тўхтадим.

— Рухсат этинг, ўртоқ полковник!

Тўрда ўтирган полковник ҳушёр тортиб, менга разм солди:

— Кираверинг, йигитча!

— Курсант Эшонов имтиҳон топширишга келди! — дедим қаддимни янада ғоз тутиб, кейин шаҳдам қадамлар билан столга яқинлашдим.

Домланинг чеҳраси бироз ёришди:

— Билетдан олинг-чи!

Дуч келган билетни олиб, рўпарасига ўтирдиму, дик этиб ўрнимдан турдим:

— Жавоб беришга рухсат этинг!

Муаллим бош силкиди.

— Ўртоқ полковник, мен бу саволни билмайман!

— Бўлмаса, бошқа билет олинг!

— Барибир фойдаси йўқ!

Полковник ёйилиб кулди:

— Фамилиянгни айтчи?

— Эшонов, ўртоқ полковник!

— Раҳмат! Ҳарбий таълим дарсининг асосий моҳияти худди шундан иборат.

Шу куни домла имтиҳон варақамга «аъло» баҳо қўйди.

### «ҚИЁМАТ ҚАРЗ»

Саксонинчи йилларда «Ёш ленинчи» («Туркистон») газетасида ишлардим. Бир куни иттифоқо Анвар акам йўқлаб келдилар. Бу ташрифдан бошим осмонга етди.

— Менга қара, озроқ пул топиб берсанг, Жиззахга бориб келмоқчи эдим, — дедилар иймаnибгина.

Ўша куни қалам ҳақи олган эдим. Чўнтагимдаги бор пулни қоқиштириб қўлларига тутқаздим.

— Радиодан қалам ҳақи олсам, албатта, қайтараман, — ваъда бердилар акам.

Шу топда қитмирлигим тутдию, оҳиста қўлларидан ушладим:

— Келишдик, фақат бир шартим бор. Дўст бор, душман бор, деганларидек... Олган қарзингизни кўпчиликнинг олдида қайтарасиз. Кейин мени мақтайсиз.

Анвар акам қўлини қўлига ишқалади. Бу у кишининг мамнунлигидан дарак берарди:

— Майли, сен хурсанд бўлсанг, шундай қиламан...

Орадан кўп ўтмай, кўпчилик бўлиб тушлик қилиб ўтирган эдик. Анвар акам келиб қолди. Ҳамма билан бир-бир кўришиб, ёнимга келиб ўтирди. Одатда акам бор жойда суҳбат қўр олар, сўзга-сўз, кулгига-кулги уланар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди...

— Шавкат, мана бу пулни олиб қўй, жиззахлик оғайниларинг бериб юборишди.

Анвар акам қўлимга бир даста пул тутқазди. Қўлимда бир даста пул, довдираб қолдим. Ҳамманинг кўзи бизда. Кимдир истеҳзоли жилмаяди, яна кимдир хайрихоҳлик билан бу ўйиннинг нима билан тугашини кутади.

Ниҳоят, ўзимда журъат топдим;

— Жуда ҳам кам-ку!

Анвар акам «қовун» туширгани»ни сезиб қолди чоғи, оҳиста ўрнидан туриб, костюмининг ҳар икки чўнтагининг астарини ағдариб, эринмай қоққан бўлди. Кейин менга юзланиб шундай деди:

— Қўявер, хафа бўлма, булар орамизда нима гап ўтганини билмайди-ку. Мен эса баҳонада қиёмат қарздан қутилдим.

### ХУШ КЎРДИК

Анвар акамнинг Қодирхўжа исмли жияни бўларди. Бу йигит узоқ вақт чет элди хизмат қилган бўлиб, ўқимишли, қўли очиқ йигитлардан эди. Қодирхўжа бир куни ўзига ўхшаган башанг кийинган, баланд бўйли йигитни — поччасини Анвар акамникига бошлаб борибди.

Меҳмон Аллоҳнинг инъоми, Анвар акам меҳмонларнинг иззатини жойига қўйиб, кутиб олибди. Дастурхон тузаб ош-сув берибди. Қиттак-қиттак қилишибди. Суҳбат қизигандан қизибди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай меҳмонлар қўзғалайлик, демасмиш. Ниҳоят, акамнинг тоқати тугабди:

— Менга қара, Қодир, яна ичасанларми?

— Йўқ, жуда етилдик, — дебди жиян.

— Таом-маом ейсанларми?

— Йўғ-е, бош чайқабди меҳмонлар, — роса мазза қилдик.

— Бўлмаса, — дебди Анвар акам кафтини кафтига ишқаб. — Ресторанлар ҳам соат 12 гача ишлайди. Автобусларинг ётиб қолмасдан уйларингга етиб олақолларинг, сизларга жавоб.

Меҳмонлар кутилмаган «илтифот»дан кула-кула хайрлашибдилар.

*Шавкат ТУРОБ.*

*Ҳамкорлик*

# ЛОЙИҲАЛАРГА МАБЛАҒЛАР

***Германияда энг йириклардан бири — Тараққиёт банки бошқарувининг аъзоси жаноб Ханс В. Райх бошчилигидаги делегация Ўзбекистон билан яқиндан танишди.***

Бу мазкур банк вакилининг Марказий Осиёга қилган биринчи ташрифи бўлиб, банкнинг Ўзбекистон билан бўлган ҳамкорликка жуда катта эътибор бераётганлигидан далолат бериб турибди.

Банк фаолияти асосан Германияда кичик ва ўрта саноатни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, дунёнинг барча минтақаларида амалга оширилаётган ўзаро ҳамкорлик доирасидаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлашдан иборатдир.

Германия тараққиёт банки билан Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик алоқалари бундан бир неча йил муқаддам бошланган эди. Банк билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўртасида 1995 йилдаёқ ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Бу шартномаларга мувофиқ мавжуд лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 135 миллион немис маркаси миқдорида маблағ ажратилди. Бу — Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга ажратилган маблағлардан анча кўпдир. Экспорт соҳасидаги молиявий ёрдам учун Германия тараққиёт банки Ўзбекистон иқтисодий алоқалар миллий банкига 400 миллион немис маркаси миқдорида қарз берди. Бу маблағнинг ҳозиргача 300 миллиондан зиёдроғи ишлатилиб, иқтисодий ва социал инфратузилмаларни яхшилашга, саноат ва бошқа тармоқ корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонга ташрифи чоғида немис делегацияси раҳбари ҳукумат раҳбарлари ва республика ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки вакиллари билан музокаралар олиб боради. Меҳмонлар Зангиотадаги «Ландитехник-Ўзбекистон» ўзбек-немис қўшма корхонаси фаолияти билан танишдилар, бу ерда ҳозир бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтардилар. Мазкур делегация аъзоси, ривожланиш ва иқтисодий ҳамкорлик федерал вазирлигининг маслаҳатчиси жаноб Йост Калел билан учрашувимизда у қуйидагиларни гапириб берди:

— Делегациямизнинг Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли бўлди, дейишга барча асослар бор. Биз Ўзбекистон ҳукумати, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан учрашиб, ўзимиз молиявий сармоя билан таъминлаётган немис-ўзбек ҳамкорлиги лойиҳаларининг қандай амалга оширилаётганлиги хусусида музокаралар олиб бордик. Ўйлайманки, делегациямизнинг Ўзбекистонга ташрифи иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

*Мирзаали АКБАРОВ.*

*Одобнома*

# ХАРОБОТИЙ САБОҚЛАРИ

Муҳаммад бин Абдулла — Харoботий XYII асрнинг ўрталари XYIII асрнинг бошларида (тахминан 1738-1830 йиллар) Оқсувнинг Эгарчи туманида туғилиб, шу ерда яшаб ижод этди. Хароботий — атоқли уйғур шоирининг тахаллуси бўлиб, у ёзган асарлар ичида бизга етиб келгани «Куллиёти маснавий Хароботий»дир. Уйғур шеъриятининг маснавий шаклида ёзилган бу рисолада диний ақидалар билан бирга самимийлик, яхши ном қолдириш, салбий иллатлардан йироқ бўлиш каби масалалар илгари сурилади. Хароботийнинг асарлари «Гулистон», «Бўстон», «Қобуснома», «Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Жалолий», «Калила ва Димна» каби китоблар қаторида туради. Улар кўпроқ панд-насиҳатдан иборат бўлиб, кишиларни эзгуликка чақиради. Айниқса, ёшларнинг маънавий етук инсонлар бўлиб тарбия топишида катта аҳамиятга моликдир. Қуйида Хароботий маснавийларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

### ФАРЗАНДИМГА

*Неча ишлар борки раҳмоний эрур,*
*Неча ишлар борки шайтоний эрур,*
*Обидий бўлгилки фосиқ бўлмагил,*
*Солиҳ бўлгилки мунофиқ бўлмагил.*
*Неча ишлар бил мунофиқлар иши*
*Қасд ила гар уни қилса ҳар киши.*
*Ваъдасига аввало қилгай хилоф*
*Оғритиб кўнгилни айлайди хароб.*
*Ваъдасига қилмагай ҳаргиз вафо,*
*Кўнглида йўқдир унинг сидқу сафо.*
*Ким мунофиқ бўлса ул мурдор эрур,*
*Бил мунофиқдин худо безор эрур.*
*Ким мунофиқ бўлса ҳолидир чэнин,*
*Бўлмагай ҳаргиз жаҳаннамдин эмин.*
*Ғофил умри ўтар доим бехатар,*
*Қилгайсан ҳар он мунофиқдин ҳазар.*
*Алҳазар, ё алҳазар, ё алҳазар,*
*Ҳар киши кўп сўзласа қилгил назар.*
*Кўп ҳазардир ҳар киши кўп сўзласа,*
*Маъниси йўқ сўзни ҳар ким кўп деса.*
*Қайси элда иш тўладир барака соз,*
*Қайси элда гап тўладир барака оз.*
*Эй қуёшим, сол қулоқ бу пандимга,*
*Гапни оз қил, қаноат қил қандига.*
*Эй фарзанд, умринг ўтказма бехатар*
*Ҳар киши кўп сўзласа топгай зарар.*

### ВАФО ВА ЖАФО

*Уч киши давлат деб бўлди йўлга равон,*
*Бир олтин ғишт топиб бўлдилар шодмон.*
*Ташна ва оч эрдилар уларнинг бари,*
*Маслаҳат қилдилар ул ерда ҳар бири.*
*Бири кичик эрди орада ёшга,*
*Буюрдилар уни шаҳарга ошга.*
*Бердилар унинг қўлига уч дирҳам, —*
*«Ошу нон еткур бу соат дам бадам».*
*Пулни олиб шаҳарга бўлди равон,*
*Гўё отдек учди ошиб у довон.*
*Иккиси ўтириб қилди иттифоқ, —*
*«Ошга борган келса ургаймиз пичоқ».*
*Бири йўлда ўзига қилди маслаҳат —*
*«Ул олтин ғиштни ёлғиз олсам фақат».*
*Ошу нон ва гўштни солди қонга у,*
*Солди ҳам ул ошу нонга оғу.*
*Тезда етиб келди улар қошига*
*Икковлон урдилар унинг бошига.*
*Охир улар бирлашиб ўлдирдилар,*
*Кўнгилни шод айлабон ўлтирдилар.*
*Едилар бир-икки луқма шоднок,*
*Шул замон ҳар иккиси бўлди ҳалок.*
*Бир-бири бирла қариндош эрдилар,*
*Ғам бирла меҳнатда мунгдош эрдилар.*
*Бир-бирига эрди мушфиқ — меҳрибон,*
*Кўнгилларда эрди дўстлик жовидон.*
*Топдилар битта олтин ғишт ногаҳон,*
*Фитна ҳам бўлди пайдо шул замон.*
*Фитнадин ўлдирди улар бир-бирин,*
*Нафси — шайтон бирла бўлдилар яқин.*
*Барча ахлоқ боши яхшилик, вафо,*
*Ҳеч кишига бойлик деб қилманг жафо.*

*Уйғур тилидан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.*

*Таълим*

# РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИДА ҚАТНАШИШАДИ

***Замон талабига жавоб берадиган муҳандис бўлиш учун олий математикани мустаҳкам эгаллаш, уни ўзи танлаган мутахассисликда амалиётда қўллай билиш талаб қилинади.***

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида олий математикадан бўлиб ўтган олимпиада ана шу мақсад йўлидаги муҳим тадбирдир. Бу тадбир аввало юксак талаблар асосида университетнинг ҳамма факультетларида олимпиадада қатнашиш истагини билдирганларнинг танловини ўтказишдан бошланди. Бу танловларни ўтказишда факультетларда ўқув-тарбиявий ишларни олиб бораётган ҳар иккала олий математика кафедраси профессор-ўқитувчилар жамоасининг ҳиссаси катта бўлди. 19 талаба бу биринчи босқичнинг якунловчи мусобақаларида қатнашди.

Беллашувларда механика факультетининг 2-курс студенти Николай Дуняшин (у 1996 йилги Республика олимпиадасида қатнашиб 2-ўринни эгаллаб совриндор бўлган эди) биринчи ўринни, электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультетининг талабалари Мурод Иброҳимов (2-курс), Баҳодир Юсупов (1-курс)-лар совриндор ўринларни эгаллашиб, олимпиаданинг иккинчи босқичи ҳисобланган Республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини олишди.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

